

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК
ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ХИЗМАТИНИНГ
ҚАРОРИ

**ШОЙИ ТЎҚИШ КОРХОНАЛАРИ УЧУН ГИГИЕНА ТАЛАБЛАРИНИ (0028-22-СОН
САНҚВАН) ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 12 августда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 103]

Ўзбекистон Республикаси «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиши, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан тажомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6035-сонли Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати қарор қиласиди:

1. Шойи тўқиши корхоналари учун гигиена талаблари (0028-22-сон СанҚвАН) иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. «Шойи тўқиши корхоналари учун гигиена талаблари» (0188-05-сон СанҚвАН, 2005 йил 6 октябрь) ўз кучини йўқотган деб топилсан.
3. Мазкур қарор «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси билан келишилган
4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Б. ЙОСУПАЛИЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 18 июль,
16-сон

Келишилди:

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раиси

Б. ШАРИПОВ

2022 йил 18 июль

Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизматининг 2022 йил 18 июлдаги 16-сон қарорига
ИЛОВА

Шойи тўқиши корхоналари учун гигиена талаблари (0028-22-сон СанҚвАН)

Мазкур санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (кейинги ўринларда — санитария қоидалари) шойи тўқиши корхоналари учун санитария-гигиеник талабларни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу санитария қоидалари барча шойи тўқиши корхоналарига нисбатан татбиқ этилади.

2. Янги қурилаётган ёки қайта таъмирланган шойи тўқиши корхоналарини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилишда ушбу санитария қоидалари ҳамда амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши зарур.

3. Шойи тўқиши корхоналарни лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга қабул қилишда одамларнинг ҳаёти ва соғлифи учун хавфсиз бўлган техникалар, асбоб-ускуналар, дезинфекция воситалари, қурилиш ва пардозлаш материаллари ҳамда бошқа буюмлар, шунингдек технологиялар фойдаланилиши лозим.

2-боб. Шойи тўқиши корхоналари ҳудуди, қўшимча бино ва хоналарининг асосий режасига бўлган талаблар

4. Шойи тўқиши корхоналарини қуриш учун майдон танлаш, бино ва иншоотларни жойлаштириш, режалаштириш ШНҚ 1.03.01-16 «Корхоналар, бинолар ва иншоотларни капитал қурилиши, лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқилиши, маъқулланиши ва тасдиқланиши тартиби» ва СанҚвАН 0350-17 «Аҳоли яшаш жойи атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишининг санитария нормалари ва қоидалари» талабларига биноан амалга оширилади.

5. Шойи тўқиши корхоналаридаги қўшимча хоналарни лойиҳалашда ШНҚ 2.09.04-09 «Ташкилотларнинг маъмурий ва майший бинолари» талаблари инобатта олиниши лозим.

6. Кийим алмаштириш, юваниш ва бошқа қўшимча хоналар, шунингдек, маҳсус кийимлар сақланадиган шкафларда ҳар куни намли тозалаш ишлари ўтказилиши керак.

3-боб. Иситиш ва совутиш тизимиға ҳамда ҳавонинг вентиляциясига бўлган талаблар

7. Шойи тўқиши корхоналари учун иситиш ва совутиш ҳамда вентиляция тизимини лойиҳалаштирганда ШНҚ 2.04.05-97 «Ҳавони мўътадиллаш, иситиш ва шамоллатиши» ҳамда СанҚвАН 0324-16 «Ишлаб чиқариш корхоналари микроиқлимининг санитария-гигиеник нормалари» талаблари ҳисобга олинади.

8. Барча ишлаб чиқариш, маъмурий-майший ва қўшимча хоналар чангни самарали бартараф қиласидиган вентиляция тизимиға эга бўлиши керак.

9. Цехлардан чиқаётган ҳаво атмосферага чиқариб ташланишидан олдин чанг тутувчи воситалар ёрдамида тозаланиши керак.

Аҳоли яшайдиган ҳудудлар атмосфера ҳавосида шойи тўқиши корхоналари томонидан ташланадиган заарли моддаларнинг рухсат этилган миқдори (РЭМ) мазкур санитария қоидаларининг **1-иловасида** келтирилган.

10. Иссик юзаларни (трубали ўтказгичлар, деворлар, қуритиш аппаратлари ва бошқалар) иссиқлик изоляцияловчи материаллар билан қоплаш лозим.

11. Шойи тўқиши корхоналаридаги ҳавони совутиш ва иситиш тизими хоналарнинг микроиқлим кўрсаткичларини мақбул даражасини (йилнинг совуқ даврида ҳаво ҳарорати 15 — 21°C, нисбий намлик 40 — 60 фоиз, ҳаво ҳаракати 0,4 м/сек дан кам эмас; йилнинг илик даврида ҳаво ҳарорати 21 — 29°C, нисбий намлик 40 — 60 фоиз, ҳаво ҳаракати 0,4-0,7 м/сек) сақлаб туриши керак.

12. Шойи тўқиши корхоналарида микроиқлим кўрсаткичлари СанҚвАН 0324-16 «Ишлаб чиқариш корхоналари микроиқлимининг санитария-гигиеник нормалари»да келтирилган микроиқлимнинг меъёрий кўрсаткичлари талабларига жавоб бериши лозим.

Шойи тўқиши корхоналаридаги заарли ишлаб чиқариш омиллари рўйхати мазкур санитария қоидаларининг [2-илювасида](#) келтирилган.

4-боб. Ёритилганлик, шовқин ва тебранишга бўлган талаблар

13. Шойи тўқиши корхоналари учун ёритилганлик нормалари мазкур санитария қоидаларининг [3-илювасида](#) келтирилган нормаларга мос келиши лозим.

14. Бинонинг бир текис ёритилишига эришиш учун етарлича ёритувчанлик юзасига эга бўлган лампалардан фойдаланилади. Сунъий ёритиш тизимида ишлайдиган шойи тўқиши корхоналарида юзага келиши мумкин бўлган ҳалокатли ҳолатларнинг олдини олиш учун навбатчи ёритиш тизими бўлиши керак.

15. Иш жойдаги шовқин даражаси СанҚвАН 0325-16 «Иш жойларида рухсат этилган шовқин даражаси бўйича санитария нормалари» талаблари, тебраниш даражаси эса СанҚвАН 0326-16 «Иш жойларида умумий ва локал тебранишларнинг санитария нормалари» талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

16. Иш жойларида технологик ускуналардан чиқувчи шовқинни камайтириш КМК 2.01.08-19 «Шовқиндан ҳимоя» талабларига мувофиқ амалга оширилади.

17. Тўқув ва ипни пишитиш цехларида қўлланиладиган дастгоҳ ва машиналар эластик материалдан тайёрланган махсус фундаментларга ўрнатилган бўлиши лозим.

5-боб. Шахсий ҳимоя воситаларига талаблар

18. Шойи тўқиши корхоналари ходимлари ишлаб чиқариш жараёнида қўйидаги шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиши зарур:

нафас олиш аъзолари учун шахсий ҳимоя воситалари — ҳар хил турдаги мато ниқоблар, бинтлар, респираторлар;

умумий саноат ифлосланишидан ҳимоя қилиш учун мато рўмоллар, ҳалатлар, кўйлаклар, блузкалар, фартуклар, юбкалар ва бошқалар;

бўяш жойларида таъсир қилувчи кимёвий моддаларидан ҳимоя қилувчи махсус поязбаллар — резина этиклар, ботинкалар, калишлар, шиппаклар;

эшитиш органлари учун шахсий ҳимоя воситалари — қулоқ супрасини ёпиб турувчи қулоқчинлар ёки ташқи эшитиш канали учун махсус пахталар.

19. Технологик жараён натижасида анилин парлари ёки аэрозоллари ажралиб чиқиши кузатилса ва жараёни автоматлаштириш имкони бўлмаса, «A-P2» типидаги (заррачалар, органик парлар ва газларидан ҳимояловчи комбинирланган фильтри мавжуд) противогаздан фойдаланилиши лозим.

Бунда, технологик жараён натижасида уксус кислотаси парлари ажралиши кузатилса, «E» типидаги (кислоталарнинг газларидан ҳимоя қилувчи), «АВЕК» типидаги (парлар ва газлардан ҳимояловчи комбинирланган фильтри мавжуд) ёки «АВЕК-P2» типидаги (заррачалар, органик парлар ва газлардан ҳимояловчи комбинацион фильтри мавжуд) противогаздан фойдаланилади.

20. Бўяш ва пардозлаш бўлимларида заҳарли моддаларни заҳарли таъсири кам бўлган моддалар билан алмаштириш СанҚвАН 0294-11 «Иш зонаси ҳавосидаги заарли моддаларнинг рухсат этилган концентрациялари (РЭК) гигиеник нормативлари» талабларига мувофиқ амалга оширилиши зарур.

21. Мазкур санитария қоидаларини ишлаб чиқувчилар рўйхати [4-илювада](#) келтирилган.

Шойи тўқиши корхоналари учун гигиена талабларига
1-ИЛОВА

Аҳоли яшайдиган ҳудудлар атмосфера ҳавосида шойи тўқиши корхоналари томонидан ташланадиган заарли моддаларнинг рухсат этилган микдори (РЭМ)

Анилин (хавфлилк синфи — 2)
РЭМ максимал-бир маротабалик — 0,05 мг/м³

РЭМ кунлик — 0,04 мг/м³
 РЭМ ойлик — 0,035 мг/м³
 РЭМ йиллик — 0,03 мг/м³
 Сирка кислотаси (хавфилик синфи — 3)
 РЭМ максимал-бир маротабалик — 0,2 мг/м³
 РЭМ кунлик — 0,012 мг/м³
 РЭМ ойлик — 0,08 мг/м³
 РЭМ йиллик — 0,06 мг/м³

**Шойи түқиши корхоналари учун гигиена талабларыга
2-ИЛОВА**

Шойи түқиши корхоналаридаги заарлы ишлаб чиқариш омиллари рүйхати

Ишлаб чиқариш омиллари	Катталик (рухсат этилган миқдор)	Аниқлаш усули
1. Шойи чанги	6,0 мг/м ³	<p>Иш жойи ҳавосидаги чанг даражаси электроаспиратор ёрдамида тарози орқали (гравиметрик усулда) аниқланади.</p> <p>Бунда АФА-В («В» типидаги аэрозолли фильтр аналитик) фойдаланиш тавсия қилинади ва намуна олиш вақти камида 10 дақиқа, ҳаво аспирацияси ҳажми камида 20 л/мин бўлиши керак. Фильтрдан ўтган ҳаводаги чанг миқдори мг/м³ларда ҳисоблаб чиқилади:</p> $X = (K_2 - K_1) : V_0 = \text{мг/м}^3, \text{ яъни:}$ <p>X — чанг концентрацияси K_1 — намуна олингунча бўлган фильтр вазни K_2 — намуна олингандан кейинги фильтр вазни V_0 — ўргача шароитда ҳаво ҳажми (ҳаво ҳарорати 20°C, барометрик босим 760 мм. симоб уст.).</p>
2. Анилин	0,1 мг/м ³	<p>Анилинни аниқлаш индофенолни ($O = C_6H_4 = № C_6H_4OH$) хосил бўлишига асосланган, яъни анилин ва фенолни биргаликда оксидланиши натижасида хосил бўлувчи кўк рангдаги эритма колориметрик аниқланади. 1 м³ ҳавода (X) анилин миқдори кўйидаги формула бўйича аниқланади:</p> $X = (a \cdot v) : (b \cdot V_0), \text{ бунда}$ <p>a — таҳлил қилинаётган эритма ҳажмида топилган моддаларнинг миқдори, мкг ларда;</p> <p>b — таҳлил учун олинган эритма ҳажми, мл ларда;</p> <p>v — барча намуналардаги суюқлик ҳажми, мл ларда;</p> <p>V_0 — нормал шароитларга келтирилган, таҳлил учун олинган литрдаги ҳаво ҳажми.</p>
3. Сирка кислотаси парлари	5,0 мг/м ³	<p>Ишчи зона ҳавосида сирка кислотаси парларини аниқлаш хроматография усулида (қоғозда камайиб борадиган усул) амалга оширилади.</p> <p>Ҳаводаги сирка кислотаси қаттиқ сорбентда (сингдирувчи модда) йигилади. Хроматографнинг парловчи бўлимида сорбентдан сирка кислотаси ажратиб олиниб, миқдори аниқланади.</p>

4. Шовқин	80 дБ	<p>Иш жойларидаги шовқин даражаси қуидаги норматив хұжжатлар бүйіча бағоланади:</p> <p>ГОСТ ISO 9612-2016-сон «Инсонларга таъсирини бағолаш учун шовқинни ўлчаш» давлатларарапо стандарты;</p> <p>СанҚвАН 0325-16-сон «Иш жойларида рухсат этилган шовқин даражаси бүйіча санитария нормалари» санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари.</p>
5. Умумий тебраниш	92 дБ	<p>Иш жойларида умумий тебраниш даражалари частотали таҳлил услугуда аникланади, умумий тебраниш интеграл частотали усули орқали ўтказилади, бунда тебраниш давомийліги ва тебраниш дозаси ҳисобға олиниши лозим. Тебранишнинг ҳаққоний ҳолатини гигиеник бағолаш СанҚвАН 0326-16-сон «Иш жойларидаги умумий ва локал тебранишларнинг санитария нормалари» санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ўтказилади.</p>
6. Микроиқлим	<p>Йилнинг совуқ даврида ҳарорати 15 — 21°C, нисбий намлик 40 — 60 фоиз, ҳаво ҳаракати 0,4 м/секунддан кам эмас;</p> <p>Йилнинг илиқ даврида ҳаво ҳарорати 21 — 29°C, нисбий намлик 40 — 60 фоиз, ҳаво ҳаракати 0,4 — 0,7 м/секунд</p>	<p>Иш жойларидаги микроиқлимни гигиеник бағолаш СанҚвАН 0324-16-сон «Ишлаб чиқариш корхоналари микроиқлимининг санитария-гигиеник нормалари» санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига асосан амалга оширилади.</p> <p>Ассман аспирацион психрометри ёрдамида ҳаво ҳарорати ва нисбий намликтини ўлчаш, ҳаво ҳаракати тезлиги — анемометр ёрдамида, нурли иссиқлиқ — инспекцион актинометр ёрдамида ўлчанади.</p> <p>Микроиқлим шароитларини бағолаш иш бошланишида, тушлик танаффусидан олдин ва иш куни охирида ўтказилади.</p>

Шойи тўқиши корхоналари учун гигиена талабларига
3-ИЛОВА

Шойи тўқиши корхоналари учун ёритилганлик нормалари

Технологик операция номлари	Кўриш ишининг разряди ва разряд туркуми	Сунъий ёритилганлик		Табиий ёритилганлик		Аралаш ёритилганлик	
		Люксда		%		%	
		мураккаб ёритиш тизимида	умумий ёритиш тизимида	юқоридан ёритишида	ён томондан ёритишида	юқоридан ёритишида	ён томондан ёритишида
1. Хом шойини ивитиши	VI	-	200	2,0	0,5	1,0	0,6

2. Хом шойини олиб ғалтакларга қайта ўраш	II «в»	2000	500	7,0	2,5	4,2	1,5
3. Бир неча хил ипларни пишитиб турган ҳолда бириктириб, бир хил қилиб ғалтакка ўраш	II «в»	2000	500	7,0	2,5	4,2	1,5
4. Ипни пишитиш	II «в»	2000	500	7,0	2,5	4,2	1,5
5. Пишитилган ипни қайта ўраш	II «г»	1000	300	7,0	2,5	4,2	1,5
6. Ипларни центрифугада сиқиши	VI	-	200	2,0	0,5	1,0	0,6
7. Калава ипларни ғалтакларга қайта ўраш	II «г»	1000	300	7,0	2,5	4,2	1,5
8. Танда қўйиш (либитовка қилиш)	IV «в»	400	200	4,0	1,5	2,4	0,9
9. Либитларни бўяш	VI	-	200	2,0	0,5	1,0	0,6
10. Проборка қилиш	II «в»	2000	500	7,0	2,5	4,2	1,5
11. Тўкиш	II «в»	2000	500	7,0	2,5	4,2	1,5
12. Конструкторлик иши	VI	-	200	2,0	0,5	1,0	0,6
13. Кадоқлаш, маркировкалаш, омборхоналарга жойлаштириш	VI	-	200	2,0	0,5	1,0	0,6

Шойи тўкиш корхоналари учун гигиена талабларига
4-ИЛОВА

Ишлаб чиқувчилар рўйхати:

- А.Б. Исқандаров:** — СГвАКК ИТИнинг катта илмий ходими, тиббиёт фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори.
- Тақризчилар:**
- Д.А. Зарединов:** — Тиббиёт ходимларининг қасбий малакасини ривожлантириш марказининг «Гигиена» кафедраси мудири, т.ф.д., профессор;
 - Н.Р. Самигова:** — Тошкент тиббиёт академиясининг «Коммунал гигиена ва меҳнат гигиенаси» кафедраси доценти, т.ф.н.
 - А.У. Садиков:** — СГвАКК ИТИнинг бош илмий ходими, т.ф.д., профессор

**Н.Ф.
Расулова**

- Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг «Жамоат соғлиғини сақлаш, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш» кафедраси доценти, т.ф.н.